



CIVIL LAW ASPECTS OF IMPROVING THE LEGAL STATUS OF EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS SYSTEM

Qulmurodov Ulug'bek Islomovich

Doctor of Philosophy (PhD) in Law.

E-mail: ulugbekislomovich05@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17533910>

ARTICLE INFO

Received: 26th October 2025

Accepted: 30th October 2025

Online: 31st October 2025

KEYWORDS

Ministry of Internal Affairs, educational institutions, legal status, civil law, legal entity, public-private partnership.

ABSTRACT

This scientific work analyzes the civil law aspects of improving the legal status of educational institutions within the system of the Ministry of Internal Affairs (MIA) of the Republic of Uzbekistan. The study examines the current legal status of higher and secondary specialized educational institutions of the MIA (as state institutions), their financial and economic activities, contractual relations, and cooperation with civil society from the perspective of civil law. Based on the experience of developed countries (South Korea, Germany, USA), the paper explores the prospects of reorganizing MIA educational institutions into independent educational organizations with the status of legal entities. Specifically, it proposes models of public-private partnership (PPP), corporate governance, and financial independence mechanisms. The research results aim to improve the quality of education in the MIA system, reduce corruption risks, and strengthen integration with civil society.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қулмуродов Улуғбек Исломович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

E-mail: ulugbekislomovich05@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17533910>

ARTICLE INFO

Received: 26th October 2025

Accepted: 30th October 2025

Online: 31st October 2025

ABSTRACT

Мазкур илмий иш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) тизимидаги таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилади. Тадқиқотда ИИВга қарашли олий ва ўрта махсус таълим



KEYWORDS

Ички ишлар вазирлиги, таълим муассасалари, ҳуқуқий мақом, фуқаролик ҳуқуқи, юридик шахс, давлат-хусусий шерикчилик.

муассасаларининг ҳозирги ҳуқуқий мақоми (давлат муассасалари сифатида), уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти, шартномавий муносабатлари ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлиги фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганилади. Ишда ривожланган давлатлар (Жанубий Корея, Германия, АҚШ) тажрибаси асосида ИИВ таълим муассасаларининг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил таълим ташкилотлари сифатида қайта ташкил этиш истиқболлари кўриб чиқилади. Хусусан, давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) моделлари, корпоратив бошқарув ва молиявий мустақиллик механизмлари таклиф қилинади. Тадқиқот натижалари ИИВ тизимидаги таълим сифатини ошириш, коррупция хавфини камайтириш ва фуқаролик жамияти билан интеграцияни кучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда таборо ривожланиб бораётган таълим хизматлари бозоридаги рақобат кураши Ички ишлар вазирлиги (бундан кейин – ИИВ) тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолатига янги концептуал ёндашувларни белгилашни тақазо этмоқда. Таълим муассасалари сифатли таълим хизматларини ташкил этишда моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг барча усулларидан оптимал фойдаланиши зарур. Миллий қонунчилигимизда эса ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг мулкчилик соҳасини кенгайтириш ва даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш имкониятини кенгайтириш билан боғлиқ нормалар етарли эмас.

Миллий қонунчилигимиз кўра ИИВ тизимидаги таълим муассасалари ўзларининг асосий функция ва вазифаларини амалга оширишига тўсқинлик қилмайдиган даромад келтирадиган фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин. Бироқ, фуқаролик ҳуқуқида ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми нисбатан ноаниқ бўлганлиги уларнинг фуқаролик муомаласида тўлақонли субъект сифатида иштирокини қийинлаштирмоқда. Бундан ташқари, улар юридик шахс ҳисобланса-да, давлат органи (ИИВ) тизимида бўлганлиги ҳамда асосий мол-мулклари оператив бошқарув ҳуқуқига асосланганлиги мулкрий муносабатларга киришишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “нодавлат таълим ташкилоти” ва “давлат таълим муассасаси” сифатида иккига ажратилган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда уларга бир хил имкониятлар тақдим этилмаган. Хусусан, қонун чиқарувчи “давлат таълим муассасаси”ни муассаса, “нодавлат



таълим ташкилоти”ни эса юридик шахс сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаган. Бу ҳолат ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини аниқлашда, фуқаролик муомаласида иштирокини кенгайтиришда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигида қатор номувофиқлик ва зиддиятни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, ФҚда қонун чиқарувчи муассасаларни давлат ва хусусий шаклларга ажратмаган. Бироқ, фуқаролик ҳуқуқига оид адабиётларда уларнинг хусусий ва давлат муассасаси шакли мавжудлиги таъкидланади. Хусусан, академик Ҳ.Раҳмонқулов “муассаса” тушунчаси у мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилганидан қатъи назар, бир хил маънода, қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у фақат “муассаса”, давлат мулкига асосланганда эса, “давлат муассасаси” атамалари билан ифодаланишини таъкидлайди [1]. Профессор Н.Кулдашев эса, ушбу ҳолат фуқаролик қонун ҳужжатларида аниқ ва батафсил ифодаланмас экан, муассасалар тўғрисидаги қонун нормаларидаги мавжуд бир-бирига номувофиқ қоидалар турли англашилмовчиликларни келтириб чиқаришини таъкидлаган ҳолда, ФҚнинг 76-моддасига “Муассаса хусусий ва давлат муассасаси шаклларида ташкил этилади” деган аниқ нормани киритиш кераклигини таклиф қилади [2]. Дарҳақиқат, ҳуқуқшуносларимиз айтганларидек, ФҚда муассасаларнинг хусусий ва давлат мулкига асосланганлиги аниқ ифода топмаган бўлса-да, “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълим муассасаларининг “давлат” ва “хусусий” шакллари мавжудлигини кўриш мумкин. Яъни, қонунда давлатга оид бўлганларини “давлат таълим муассасаси” ва хусусийларини эса “нодавлат таълим ташкилоти” сифатида кўрсатган. Бундан ташқари, давлат таълим муассасаларининг номланишида “Ўзбекистон Республикаси” ёки “Давлат” ибораларининг бўлиши ҳам асосий белги ҳисобланади.

Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан “Таълим тўғрисида”ги қонунда “давлат таълим муассасаси” ва “нодавлат таълим ташкилоти” сифатида, яъни биринчисига “муассаса” ва иккинчисига “ташкilot” деб белгилагани цивилистик нуқтаи назардан баҳсли талқинларга сабаб бўлмоқда. Чунки, ФҚнинг 76-моддасига кўра “Муассасалар”нинг юридик шахс эканлиги аниқ ва улар нотижорат юридик шахслар таркибида бўлиб, “Ташкилотлар”нинг эса юридик шахс сифатида белгилари ноаниқ ва уларнинг қайси гуруҳга киришлари ҳам аниқлаштирилиши зарур. Бизнинг талқинимизга кўра, қонун чиқарувчи “нодавлат таълим ташкилоти”ни нотижорат ташкилотлар гуруҳига киритишни хоҳламаган кўринади, акси ҳолда “нодавлат таълим муассасаси” сифатида ифодалаган бўлар эди. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 62-модда учинчи қисмида “Давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” [3], деб белгилаган ҳолда, қонуннинг ҳеч бир моддасида хусусий таълим ташкилотларининг бундай ҳуқуққа эгаллиги кўрсатилмаган. Бу ҳолат хусусий таълим ташкилотларини нотижорат ташкилот эканлигини шубҳа остига қўяди.



Хорижий мамлакатларнинг таълим ташкилотлари фаолиятига оид қонунчилиги таҳлили жумладан, Россия Федерациясининг “Об образовании в Российской Федерации” [4] қонуни 2-моддаси таълим ташкилотларини нотижорат ташкилот сифатида белгилаган ҳолда, уларни “давлат муассасаси” ёки “нодавлат ташкилоти” сифатида турларга ажратмаган. Қозоғистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги [5] қонуни 40-моддасида ҳам таълим ташкилотлари юридик шахс ҳисобланиши назарда тутилган, бироқ уларни давлат ёки нодавлат шакллари мавжудлигини кўрсатмаган. Аммо, Қозоғистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига 2015 йил 13 ноябрдаги қонун билан ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиб [6], таълим муассасаларининг алоҳида шакли сифатида “Ҳарбий, махсус таълим муассасалари” киритилди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 12-модда олтинчи қисмида “ҳарбий таълим ташкилотлари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2021 йилдаги 655-сон “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” [7] қарорида “ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари” каби таълим муассасаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари мавжудлиги нормаланган. Лекин, қонунда уларга ҳуқуқий тушунча берилмаган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига “ҳарбий таълим муассасалари” ва “ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари” тўғрисида алоҳида моддаларни киритиш ҳамда улар қайси таълим ташкилотларини ўз таркибига олишини белгилаб бериш керак.

Маълумки, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг ҳуқуқий мавқеи бошқа давлат таълим муассасаларникидан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу фарқли жиҳатлар уларнинг асосий вазифалари билан белгиланади. Мазкур вазифалар яхлит давлат бошқарув органи сифатида улар бўйсунадиган ИИВнинг асосий вазифалари билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат уларнинг фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокини чеклайди. А.Филипова ўз тадқиқотида “ички ишлар органларининг асосий ва қўшимча вазифалари мавжудлигидан келиб чиқиб, ИИВ тизимини ҳам шунга мувофиқ 2 та гуруҳга ажратади ва вазирлик тизимидаги таълим муассасаларини вазирликнинг қўшимча вазифаларини амалга оширувчи юридик шахс сифатида иккинчи гуруҳга киришини айтади” [8]. Муаллиф ички ишлар органларига юклатилган асосий вазифаларини амалга оширувчи тузулмалар бошқармалар, департаменлар, хизматлардан иборатлигини қайд этади. Бироқ бундай ўзига хослик, уларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Яъни, ИИВ тизимидаги таълим муассасалари ҳам Таълим тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасига кўра бошқа давлат таълим муассасаларига тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланишга, жумладан “пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш”га [9] тўлақонли ҳақлидир. Бироқ, давлат муассасаларига нисбатан миллий



қонунчилигимиз таҳлили фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда уларнинг иштирокини ҳуқуқий тартибга солишни бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги “Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги [10] 59-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг “Молия ва хўжалик фаолияти, моддий-техника базаси” номли 8 бўлимида мазкур таълим муассасаларига пулли хизматлар кўрсатиш, асосий машғулотлардан ташқари пайтда бўш бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни ижарага бериш каби даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, ИИВ тизимидаги таълим муассасаларига оид низомларда [11] эса бундай имкониятлар уларга тақдим этилмаган. Шундан келиб чиқиб, ИИВ тизимидаги таълим муассасалари ҳам ўз уставларига қўшимча даромад келтирадиган фаолият турларини амалга оширишига оид қоидаларни киритиши керак, деб ҳисоблаймиз.

ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш ҳамда уларнинг мулкӣ имкониятларини янада ошириш билан боғлиқ яна бир масала. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 62-моддасида, таълим ташкилотлари ўзларининг бўш турган пул маблағларини банк муассасаларига депозитларга жойлаштириш ҳисобидан пул маблағлари (фоизлар) олишлари ёки бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан даромад олишлари каби таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари назарда тутилган. Бироқ, ИИВ тизимидаги таълим муассасалари қонунчиликда белгиланган даромад келтиришнинг бундай имкониятларидан амалда фойдалана олмаяптилар. Бунга сабаб, уларнинг тегишли низомларида қонунчиликда белгиланган таълим муассасасига даромад келтирадиган қоидаларнинг акс этмаганлигидир.

Яна бир масала. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасида “Таълим хизматлари шартномаси” назарда тутилган. Бироқ, мазкур қонунда “Таълим хизматлари шартномаси” тушунчаси ифода топмаган. Фикримизча, “Таълим хизматлари шартномаси”ни ҳуқуқий тартибга солилмаганлиги нафақат қонун ижодкорлигининг, балки назария, амалиёт ва ҳуқуқни қўллаш соҳасининг муаммосидир. Шу мақсадда, “Таълим хизматлари шартномаси”нинг қўйидаги доктринал таърифи тақлиф этилад: *“Таълим хизматлари шартномаси бўйича таълим муассасаси таълим олувчига давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим (назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар бериш, умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантириш, қобилиятини ривожлантириш) хизматларини кўрсатиш, таълим олувчи (ёки қонуний вакил) эса ушбу таълим хизмати учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади”*.

Дунёда табора ривожланиб бораётган рақобатли таълим бозори шароитида ИИВ тизимидаги таълим муассасалари бошқа таълим муассасалари билан рақобатлашибгина қолмасдан, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ўз олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўйган ҳолда фаолият юритиши зарур. Зеро, бозор иқтисодиёти



шароитида таълим муассасалари ўқув жараёнини таъминлаш билан бир қаторда, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш орқали қўшимча даромад олишга ҳаракат қилиши ҳам керак. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад ходимларни моддий рағбатлантириш билан бир қаторда илмий-тадқиқот потенциалини тўлақонли рўёбга чиқаришга ҳам ёрдам беради. Бу эса, ўқув жараёнини сифатли ва илмий ташкил этишга ҳам имкон беради. Бунда миллий қонунчиликда уларнинг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми ва мулкий муносабатлардаги иштирокига оид нормаларни такомиллаштириб бориш зарурати долзарб бўлиб қолади.

References:

1. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2008. – Б. 148.
2. Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фанлари ном. дис... . – Т., 2011. – Б. 30-31.
3. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 62-модда 3-қисмига.
4. Федеральный закон «Об образовании в Российской Федерации» от 29.12.2012 N 273-ФЗ ст 27 (ред. от 04.08.2023) URL: <https://fzrf.su/zakon/>
5. Закон Республики Казахстан от 27 июля 2007 года № 319-III «Об образовании» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.09.2023 г.) URL: <https://online.zakon.kz/Document/?doc>
6. Закон Республики Казахстан от 13 ноября 2015 года № 398-V «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам образования» URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1500000398>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2021 йилдаги “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 655-сон қарори. URL: <https://lex.uz/docs/5690814>
8. Филиппова А.И. К вопросу классификации казенных учреждений в системе МВД России // Образование и право. 2017. №8. – С.105-108. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-klassifikatsii-kazennyh-uchrezhdeniy-v-sisteme-mvd-rossii> (дата обращения: 02.02.2024).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. [Электрон манба] / URL: <https://lex.uz/docs/5013007>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги “Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 59-сон қарори. URL: <https://lex.uz/acts/439797>



11. Қаранг: Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари тўғрисида” низомнинг “Молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш” деб номланган 7-бобида.